

ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ХУКУҚИЙ ЖУРНАЛ

2
2021

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ u ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ВИРТУАЛ ВОКЕЛИКНИНГ ИЕРАРХИК ДАРАЖЛАРИ

Утегенова Ж.Д. –

Нукус Давлат Университети ассистенти

Фалсафий тадқиқотларда, айниқса 20-асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб виртуал воқелик муаммоси ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳодисаси сифатида атрофлича таҳлил этилмоқда.

"Виртуаллик" атамаси компьютер технологияларида (виртуал хотира), шунингдек бошқа соҳаларда ҳам қўлланилади: квант физикаси (виртуал зарралар), бошқарув назарияси (виртуал офис, виртуал менежмент), психологияда (виртуал қобилиятлар, виртуал вазиятлар ва ҳ.). Виртуал воқелик фалсафаси дастлаб профессионал файласуфлар томонидан эмас, балки компьютер муҳандислари, жамоат арбоблари, ёзувчилар, журналистлар томонидан илгари сурилган. Виртуал воқелик дастлабки ғоялари турли хил дискурсларда шаклланган.

Виртуал воқелик деганда қуйидаги ҳодисаларни назарда тутиш мумкин: а) техника ва технологиялар соҳасидаги инқилобий ривожланиши ва концептуаллашуви натижасида шаклланган маданият, жамият тараққиётининг янги қирраларини кашф этиш ва яратишга, уни янги босқичга кўтаришга имкон берувчи технологиялар; б) кўп оламлар мавжудлиги (полионтиклиги) ғояси ривож ва "ҳақиқий" (реал) дунё тушунчасининг нисбийлигини англатувчи ҳодисаларни тушунамиз.

Виртуал воқелик муаммоси 1980-1990 йиллардаги постноклассик фалсафа доирасида, дастлаб, кўп қиррали полионтик реаллик табиатини ўрганиш муаммоси сифатида юзага келган. "Виртуал воқелик" субстанциаллик ва потенциаллик оппозицияси сифатида юзага келади. Виртуал объект субстанционал бўлмасида, мавжуд бўлади, айти пайтда потенциал ҳам мавжуд бўлмайди, у актуал (ёки фаол) бўлади. Виртуал воқелик - моҳиятан "тугал шаклланмаган реаллик, тугал туғилмаган ҳодиса".

Виртуал воқелик концепцияси ва амалиёти ёшлар қатлами орасида турли контрмданият, компьютер индустрияси, адабиёт (фантастика), ҳарбий ишланмалар, космик тадқиқотлар, санъат ва дизайнда пайдо бўлди ва ривожланди. Ҳозирда у турли хил контекстларда мавжуд - виртуал воқелик ғояси "кибермакон" сифатида ҳам қўлланилади.

"Кибермакон" тушунчаси дастлаб машҳур илмий-фантастик техно-утопияга асосланган В. Гибсоннинг "Неуромансер" романида қўлланилган, унда кибермакон миллионлаб одамларнинг жамоавий галлюцинацияси сифатида тасвирланган. Бу асарда одамлар бир вақтнинг ўзида турли хил географик жойлардан туриб, бир-бирлари билан компьютер тармоғи орқали боғланган ва компьютер графикаси тақдим этадиган маълумотлар дунёсига тушиб қолишган. Бироқ Гибсон ўз романини келажак ҳақида башорат қилиш эмас, балки ҳозирги замонавий оламни танқид қилиш мақсадида ёзган... Ажабо у ўзи билмаган ҳолда келажакни яққол тасвирлашга эришган.

Виртуал воқелик тўғрисидаги биринчи тарихий ва назарий ишлардан бири америкалик журналист Ф.Хаммитнинг "Виртуал реаллик" (1993) китоби бўлиб, муаллиф кино ва кино симуляторларининг синтетик имкониятларининг ривожланишида виртуал воқелик феномени шаклланишининг тарихий асосларини кўриб чиқади. Замонавий фалсафий адабиётларда реал воқеликнинг кўп томонлама ифодаланишини тан олишга ва назарий ўрганишга асосланган фан соҳаси "виртуализм" номини олди. Бунда қуйидаги назарий ва амалий жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади: 1) илмий тадқиқотлар объекти тушунчаси хилма хил объект ва воқеликлар ҳақида мавжуд бўлган тушунчалар билан тўлдирилиши керак; 2) виртуал воқелик - бу турли хил объектларнинг ўзаро муносабати, қайсики иерархик тарзда, турли даражадаги ўзаро алоқадорликда амал қилади: виртуал воқелик ҳар доим муайян ибтидо (бошланғич) воқелик асосида яратилади; виртуал воқелик мавжуд реалликка нисбатан констанстлик, яъни, реал ва автоном реаллик мақомида бўлади, муайян замон ва маконда мавжуд (ҳақиқий) реалликни

қўллаб қўвватлашда қўлланилади. Виртуал воқелик объектлари ифодаланишига кўра, ҳар доим ўта муҳим ва ҳақиқатга анча яқиндир, виртуал воқелик кейинги даражадаги бошқа виртуал реалликни юзага келтиришга сабаб бўлади.

Виртуал воқелик билан ишлаш учун моно концепция (фақат битта воқелик мавжудлигини тасдиғи)дан воз кечиш ва полионтологик концепцияни (дунёлар ва хилма-хил оралик воқеликлар тасдиғи)ни тан олиш лозим, бу бизга ноёб ривожланувчи объектлар ҳақидаги назарияларни тизимли ёки чизиқли детерминизмга асосланмасдан яратиш имконини беради. Бундан ташқари, "дастлабки" виртуал воқелик кейинги даражадаги виртуал реалликни вужудга келтиришга қодир бўлиб, бунда у иккинчи виртуал реалликка нисбатан "констант реаллик" сифатида хизмат қилади ва бу (янги реалликларнинг пайдо бўлиш жараёни) чексиз давом этаверади, яъни назарий жиҳатдан, виртуал реалликлар иерархик даражаларига ҳеч қандай чекловлар бўлиши мумкин эмас. Бунда чегара фақатгина "мавжуд бўлган барча виртуал реалликлар тўқнашув нуқтаси" бўлган инсоннинг психофизиологик табиати чегаралари билан виртуал реалликлар ҳажми ва сони белгиланиши мумкин (С.С. Хоружий).

Интернетга қарамлик (*Internet addiction disorder, IAD*) - бу Интернетга психологик қарамлик феномени. Бундай қарамликни талқин қилишда икки хил ёндашув мавжуд: биринчи усулда, Интернетга қарамлик ижтимоий ҳодиса ёки оммавий маданият таъсири сифатида қаралади, бунда одам тармоқдаги алоқалардан "завқланади". Иккинчи алтернатив ҳодиса бўлиб, бунда интернетга қарамлик кучли бўлиши кузатилади, яъни ахборот технологияларининг инсон онгига салбий таъсири натижасида бу касаллик сифатида ўрганилади. Бунда Интернетга бўлган кучли иштиёқ намоён бўлади, инсоннинг ўзи эса худди гиёҳвандликдан азият чеккандек қийналади, лекин бирор кимсанинг ёрдамисиз ўзини тўхтата олмайди. Бундай ёндашув тарафдорларининг фикрига кўра, тармоқ қарамлиги гиёҳвандликка нисбатан тез ривожланади. Сўровлар натижасида Интернетда олти ой давомида фаол бўлиш натижасида ИАД билан касалланган аддиктлар 25%, 58% эса ярим йиллик фаоллик ва сўралганларнинг атиги 17% бир йил ёки ундан кўп вақт ўтгандан кейин аддиктларга айлангани аниқ бўлган. Бундай аддиктлар аксарият қисмини одатда мавҳум фикрлаш қобилятига эга бўлган индивидуалистлар, қайсар ва ўжар, конформизмга ва депрессияга мойил одамлар ташкил қилган. Беморларнинг ўртача ёши - 33 ёш. Улар орасида, тахминан 70% эркеклар. Тадқиқотчилар ИАД қўйидаги турларини ажратиб кўрсатишади: Интернетдан жинсий қониқиш мақсадида фойдаланишга одатланиш; ижтимоий тармоқлардаги "Телеграм", "Инстаграм", "В Контакте", "Твиттер", "Одноклассники", "Фейсбук" ва бошқалар орқали ижтимоий алоқаларга мутелик; биржада ўйнаш, аукцион савдосида иштирок этиш, электрон дўконларда харидлар қилишга боғланиб қолиш; веб-серфингга мутелик.

Замонавий тадқиқотчилар виртуал воқелик феномени - Интернетда ахлоқий асосларнинг заруратини англаган ҳолда тармоқ этикаси истилоҳини фалсафий асослашга киришди. Тармоқ этикаси (нэтикет – *netiquette*) - нэтикет – ҳозирда интенсиф ривожланаётган Интернет технологияларини, ютуқлари ва муаммоларини тушуниш ва ҳал қилишда ахлоқий баҳога бўлган эҳтиёжни асословчи янги билим соҳаси ҳисобланади. Албатта классик этикага асосланган ҳолда тармоқ этикети амалий этика соҳалари (биоэтика, атроф-муҳит этикаси, биомедикал этика ва бевосита амалий этика каби турлари)дан бири бўлиб, Интернетда хулқ-атвор ва ижтимоий алоқаларни ахлоқий жиҳатдан тартибга солиш усули сифатида аҳамият касб этади. У, қўполлик, наркотиклар, зўравонлик акс этадиган ва порнографик саҳналар, нацизм ва бошқа ижтимоий жиҳатдан хавфли материалларни жойлаштириш ва тарғиб қилишга қарши чиқади.

Нэтикет қоидалари тавсия қилиш характериға эға ва уларнинг бузилиши учун маълум санкцияларни назарда тутадиган ҳуқуқий меъёрлардан фарқли ўлароқ, жамоатчиликнинг танқидий муносабатидан ташқари бошқа аниқ жазоларни ваъда қилмайди. Виждон – Интернет фойдаланувчисининг ички кафолати, жамоатчилик фикри – ташқи кафолат сифатида амал қилади. Шунга қарамай, ахборот ҳамжамияти мутлақо янги соҳанинг ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини таъминлайдиган тармоқнинг ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тармоқ этикасининг муайян тамойилларини шакллантиради. Масалан, шахсий эркинлик тамойили (баъзида бу тамойил "анархия принципи" деб ҳам ишлатилади, бироқ бизнингча бу тўғри эмас, зеро анархия бу меъёр чегараларидан ўтиб кетган эркинлик, хаддан ошишдир), унга кўра ҳар бир Интернет фойдаланувчиси ўзи хоҳлаган нарсасини тармоққа юклаш ҳуқуқига эга агар бу жамиятнинг бошқа аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларига, ҳиссиётларига даҳл қилмаса. Ушбу тамойил антик даврдаёқ шаклланган "ахлоқнинг олтин қоидаси" га тўлиқ мос келади: "Ўзингизга қандай муносабатда бўлишларини истасангиз, бошқалар билан ҳам шундай муносабатда бўлинг".

И. Кант ушбу тамойилни ўзининг қатъий императивида қуйидагича ифодалаган: "Фақат шундай бир максимага мувофиқ иш тутингки, унга амал қилаётиб, унинг универсал (умуминсоний) қонуниятга айланишига хоҳиши пайдо бўлсин." Баъзи тадқиқотчилар соғлом консерватизм тамойилини тармоқ этикетининг тамойилидир, деб ҳисоблайдилар, бу дегани илмий ҳамжамиятининг аллақачон эришилган билимларига нисбатан ҳурматда бўлиш ва олимлик ахлоқи талабларига мувофиқ амал қилинишини таъминлаш кўзда тутилади. Яъни тармоқ этикаси – нетикет, Интернетда ўзига маълумотлар оладиган ёки тақдим этадиган ҳар бир жамият аъзосига қатта масъулият юклайди. Классик ахлоқнинг барча категориялари (яхшилик ва ёмонлик, бурч ва фазилат, виждон ва шараф, кадр-қиммат, олижаноблик, адолат ва жавобгарлик) Интернет фойдаланувчиларини очиқ мулоқотга, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматга чақирган ҳолда ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Ижтимоий ҳаётда аҳамияти тобора ортиб бораётган тармоқ - *network* - ҳар хил турдаги ҳисоблаш тизимларининг иерархик бирлашмаси, ўзаро боғланган алоқа каналларидан ташкил топган. Мазкур тармоқнинг мақсади алоқалар ўрнатиш, жисмоний ва ахборий ресурсларини бирлаштириш / ажратишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, виртуал воқеликнинг интерактив хусусияти уни функционал жиҳатдан кучли қилади. У шунингдек, виртуал воқелик технологияларини ривожлантиришда жиддий техник қийинчиликларни қайд этди, бу асосан график тасвирларни қайта ишлаш учун улкан қувватга эга компьютерларини яратиш зарурати билан боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, бундай воқеликларни яратиш устидан жамоатчилик ва ҳуқуқий назоратни ошириш ва бошқариш долзарб аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ВВда қолиш тобора осон ва жозибалироқ бўлиб бормоқдаки, реал дунё эса ўзининг номукамаллиги, қийнлиги, адолатсизлиги ва бошқа хусусиятларига кўра ВВ симуляцияларига ўз позицияларини бой беришни мумкин. Демак, бунда экзистенциал муносабатларни тартибга солиш муаммоси ҳам юзага келади, чунки компьютернинг ВВ технологияларидан фойдаланиш билан бирга, фойдаланувчини қай даражада "бегоналашуви"га олиб келиши номаълумлигича қолмоқда. Биз, ВВда яна бир жиддий муаммолар қаторига реалликларнинг инсон онгида "аралашиб кетиши" ҳодисасини таъкидламоқчимиз. Бунда фойдаланувчи реалликни фарқлаши аҳамияти нуқтаи назаридан, объектив олам – ҳақиқий олам ҳақидаги классик ва замонавий таълимотларни назарий ва амалий жиҳатдан янгидан ўрганиши, тадқиқ этиши муҳим масала сифатида кўндаланг туради.

Кейинги муаммо шундаки, одамлар ҳар доим бошқа реалликларни "яратиш" юрган: орзулари, тушлари, илмий-назарий фаразлари, ўйинлари, бадий асарларида ва ҳ. Энди у маҳсус жиҳозлар ёрдамида бошқа кўплаб воқеликлар билан боғлана олади. Шундай қилиб, бир томондан, ижодкорлар, виртуал олам дизайнерлари учун ижод қилишнинг чексиз олам эшиклари очилади, иккинчи томон - фойдаланувчилар учун ижод қилиш имконияти чегараланган, сабаби виртуал олам истеъмолчига тайёр ҳолда берилади.

Ҳозирги кунда компьютер технологиялари бизнинг фикрлаш тарзимизни, шунингдек турмуш тарзимизни белгилаб бериб, янги жисмоний амалиётларни шакллантираётган бош омилга айланмоқда. ВВ ноёб тажриба орттириш, жисмонан ва ақлан юксак жасоратни талаб қилувчи экспериментларда иштирок этиш учун воситага айланган. ВВда юзага келиши мумкин бўлган турлича янги вазиятлар инсон танаси учун янги синовларни юзага келтиради, ВВ инсон танаси интерфейс ҳисобланади. Бундай ёндашув асосида тананинг асосий

функцияси мияга ташқаридан импульс ва сигналларни узатиш, шунингдек тананинг ҳаётӣ фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади. Демак, танага нисбатан соф прагматик жиҳатидан ёндашилиб, тана созланади ва такомиллаштирилади, айнан шунинг учун ҳам кейинчалик бегоналашади. Инсон танасини техник воситалар билан тўлдирилиши, одамлар ўртасидаги, одамлар ва машиналар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги усул ва даражалари субъект номарказлашувига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, агар юқорида ўрганилган иммерсив ВВ бугунги кунда нисбатан кам сонли одамлар учун очик бўлса, бошқа бир компьютер коммуникатив виртуал реаллиги сифатида Интернет, аксинча замонавий маданият маконида марказий ўринлардан бирини эгаллаб улгурган. Интернет нафақат ахборот макони (келиб чиқиши ва асосий функцияларига кўра) балки глобал ижтимоий алоқа воситаси ҳамдир.

Интернет ўз моҳиятига кўра, шунчаки улкан маълумотлар базаси ҳам эмас, у одамлар яшайдиган макондир ва уни одамлардан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Виртуал воқелик инсон томонидан ва инсон учун яратилган. Инсоннинг Интернетдаги фаолияти деярли ҳар доим шахсларо коммуникация билан узвий боғлиқдир. Бунда ҳакерлар ва геймерларнинг субмаданиятлари ва киберпанклар ҳаракати алоҳида қизиқиш уйғотиб, улар компьютер ва тармоқ технологияларнинг ўзига хос маданий оқимларнинг шаклланишига таъсирининг намоён бўлишига биринчи мисоллардандир. Ҳакерлик киберпанк ҳаракатларига асос бўлиб, ахборот инқилобининг маданий, технологик, фалсафий ва эстетик жиҳатлари бирлашиб, инқилоб даражасида ўзини яққол намоён қилган фаолият туридир. Албатта, ҳакерлик ҳаракати тармоқ технологияларининг тараққиётсиз ривожланиши мумкин эмас эди, бунинг натижасида аслида глобал Интернет тармоғи яратилган эди. Аммо илмий фантастика киберпанк мафқурасини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлишига қарамай, уларни айнан ўхшатиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси, 1-2 жилдлар. - Т.: Маънавият, 2020.
2. Poster Mark. Information Please: Culture and Politics in the Age of Digital Machines. Duke university Press. Durham and London. 2006 y.
3. Hammet F. Virtual reality. New York, 1993. 213 p.
4. Hammet F. Virtual reality. New York, 1993. 213 p.
5. Делез Ж. Кино / науч. ред. и автор вступ. ст. О. Аронсон. Москва : Ад Маргинем, 2004. 624 с.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада "Виртуал воқелик" субстанциаллик ва потенциаллик оппозицияси сифатида юзага келиши тадқиқ этилади. Виртуал объект субстанционал ва потенциал ҳам мавжуд бўлмаслиги, у интерфаол аҳамият касб этиши илмий-фалсафий жиҳатдан асосланади.

Калит сўзлар: виртуал воқелик, виртуал воқелик иерархиялари, субстанционаллик, потенциаллик, константлик.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье исследуется возникновение "виртуальной реальности" как субстанции и потенциальной оппозиции. Научно-философски обосновано, что виртуальный объект не существует как субстанционального, так и потенциального, он имеет интерактивное значение.

Ключевые слова: виртуальная реальность, иерархия виртуальной реальности, субстанциональность, потенциал, константы.

RESUME:

This article examines the emergence of "virtual reality" as a substance and potential opposition. It is scientifically and philosophically justified that a virtual object does not exist as a substantial or potential object, it has an interactive meaning.

Keywords: virtual reality, virtual reality hierarchy, substantiality, potential, constants.

38. Мирзахмедов Х.А.	<i>Ёшларда “одат” ланиш ахлоқи</i>	146
39. Prohimov F.A.	<i>Yevropa faylasuvlari ijodida begonalashuv masalasi</i>	150
40. Хақимова М.А.	<i>Жамоат ташиқлотлари – халқ манфаатлари йўлида</i>	154
41. Холмуродов Ғ.	<i>Инновацион жамиятда ижтимоий шерикчилик омилининг таҳлили</i>	158
42. Ярбаев Х.Х.	<i>Ахборотлашган жамиятда баркамол авлод таълим-тарбияси</i>	162
43. Утегенова Ж.Д.	<i>Виртуал воқеликнинг иерархик даражлари</i>	166
44. Мамадиева Н.Х.	<i>Миллий санъатимизда ахлоқий ва эстетик зоялар уйғунлиги</i>	170
45. Топилдиева М.Р.	<i>Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юксалиш одимлари</i>	173
46. Отабаев А.	<i>Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялаш даврида институционал янгиланишлар.</i>	176
47. Закирова Д.Т.	<i>Шахс ва жамият маънавий омилини мустаҳкамлашда Ислоҳ ахлоқий қадриятларининг аҳамияти</i>	180
48. Норматов О.М.	<i>Туркистон ўлкасида районлаштириш давридаги иқтисодий муносабатлар</i>	184
49. Анваров А.	<i>Глобаллашув жараёнлари ва сиёсий маданият</i>	188
50. Нарзуллаев О.С.	<i>Ҳудудий ички ишлар органларида ахборот-таҳлилий иш ва уни такомиллаштириш масалалари</i>	191
51. Соқиев Х.В.	<i>Глобаллашув шароитида ахборот трансформациясининг идентификацион жараёнларга таъсири</i>	196
52. Равшанов О.	<i>Ёшларга доир давлат сиёсатининг айрим жиҳатлари</i>	200
53. Эркинов И.Э.	<i>Электрон ҳуқуқат тизимининг шаклланиши ва ривожланиши</i>	204
54. Раҳмонов Б.М.	<i>Глобаллашув жараёнида Марказий Осиё минтақаси этносиёсати</i>	209
55. Исмаилов А.З., Холмўминов Ғ. Б.	<i>Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш зоялари тарихи</i>	213
56. Аҳмедов А.	<i>Рақамли иқтисодиётнинг маънавий омилларини мустаҳкамлаш имкониятлари</i>	217
57. Шарипов А.З.	<i>Гуманизм зоясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили</i>	221
58. Муқимов Б.	<i>Маънавий ислоҳотлар мамлакат тараққиёти ва таълим ривожини таъминлашнинг муҳим омилидир</i>	225
59. Улфатиллаева С.С.	<i>Имом ал-Бухорий таълимотида аёллар билан боглиқ ҳадисларнинг фалсафий герменевтик таҳлили</i>	229
60. Афоризмлар	<i>ФАЛСАФА: ЯНГИЧА МЕЗОНЛАР (фалсафа фанлари доктори, профессор Ибодулло Эргашев)</i>	233